



ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА АНДИЖОНДА САНОАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Қосимжон Сафаров

Андижон давлат университети

2-босқич магистратура талабаси.

Аннотация: Ушбу илмий мақолада, иккинчи жаҳон уруши даврида Андижон вилоятида саноат ривожланиши жиҳатидан ҳам, ва фронт орти учун меҳнатлари келтириб ўтилган. Шунунгдек, бу ердаги таминоот ҳам ёритилган. Вилоят кесимидаги корхоналар ва фабрикалар ҳақида ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: оғир саноат, енгил саноат, корхона, фабрика, иқтисодиёт, фронт учун.

Юртимиз қайси даврда бўлмасин, халқимизнинг юксак маънавий фазилатлари, ирода ва матонати билан ўзининг шонли тарихига эга бўлиб келмоқда. Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимизнинг буюк ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳам шулар жумласиндандир.

“Оловли уруш йилларида бутун Ўзбекистон халқи “Ҳамма нарса – фронт учун”, “Ҳамма нарса – Ғалаба учун!” деган ҳаётий эътиқод билан яшади. Мамлакатимиз фронт ортидаги мустаҳкам таъминот базасига айланди. Ўзбекистон халқи жанг майдонларига катта миқдорда қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Кўпмиллатли аҳолимизнинг фидокорона меҳнати билан республикамиздаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт худудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилди ва ғоят қисқа фурсатда ишга туширилди. Минг-минглаб уруш қатнашчилари мамлакатимизда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволаниб шифо топдилар”¹⁸.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 09.05.2020 (06.03.2023). <https://president.uz/uz/lists/view/3564>.



Кўчириб келтирилган корхоналар тарихда мисли кўрилмаган қисқа муддатларда 4-5 ойда, айримлари ҳатто 1-2 ой давомида қуриб битказилиб, фронт учун ҳарбий маҳсулотлар бера бошлади.

Ўзбекистон шаҳарларида шошилиш бўшатиб берилган ёки янгидан қурилган биноларга кўчириб келтирилган асбоб-ускуналар зудлик билан жойлаштирилди ва монтаж қилинди. Улар ишчи кучи, хом ашё, асбоб-ускуналар билан таъминланди ва фронт учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Саноат корхоналари қисқа вақт ичида ҳарбий изга солиниб, миномёт ва автоматлар, самолёт ва танклар учун эҳтиёт қисмлари ва бошқа ҳарбий қуроллар ишлаб чиқара бошлади¹⁹.

Шунингдек, “1941 йилга қадар Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли бўлган бўлса, 5 ой ичида эвакуация қилинганлар ҳисобига тахминан 10 фоизга кўпайди...1945 йилда корхоналарда ишчи-хизматчилар истеъмолидаги 60% сабзавот ва 38% картошка томорқа хўжаликларида етиштирилди²⁰”

Иккинчи жаҳон уруши бошланган кезларда ташкил топганлигига эндигина 3 ой бўлган Андижон вилояти ҳам суронли йилларда бутун мамлакатнинг фронт учун ва ғалаба учун зарур бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳудудларидан бирига айланди.

Уруш бошланиши олдида вилоятда 22 та саноат корхонаси, 48 та артель, 14 та саноат комбинати ишлаган бўлса, 1944 йил охирига келиб 30 та давлат саноаткорхонаси, 64 та артель, 17 та комбинат ишлаб турди. Уруш йиллари нефть саноати бир неча баробар ўсди... 1945 йил февралда эса областда 30 та давлат саноат корхонаси, 64 та хунармандчилик артели, 17 та маиший комбинат мавжуд бўлган. Давлат саноати таркибида «Полвонтош», «Жанубий Оламушук», Сталин номли «Строймаш» заводи, Володарский номли тўқув фабрикаси, Хонобод дубил

¹⁹ Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда 300 та саноат корхонаси фақат ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарган. <https://yuz.uz/news/ikkinchi-jahon-urushi-yillarida-ozbekistonda-300-ta-sanoat-korxonasi-faqat-harbiy-mahsulot-ishlab-chiqargan>. 08.05.2020 (06.03.2023).

²⁰Бобожонов Х. Фронт ортида: Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон аҳолисининг озиқ-овқат таъминоти. <https://www.uzanalytics.com/tarix/7277/>. 23.04.2020 (06.03.2023).



экстракт заводи, газўтказгич заводлари бўлган. Автотрактородеталь, консерва заводлари, Ленин районидаги МТМ, «Коммунар» заводи қисман реконструкция қилинган. Асосий ишлаб чиқариш воситалари 1944 йилда 1942 йилга нисбатан 87,2 фоиз ўсган²¹.

Урушнинг 4 йили ичида вилоятдаги саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми 3,4 миллиард сўмга ўсди. Нефть ишлаб чиқариш уруш йилларида 3,2 марта, металл ишлаб чиқариш саноатининг маҳсулоти 8,7 марта, пахта ишлаб чиқариш 3,9 марта, оёқ кийимлари 2,9 марта, консерва ишлаб чиқариш 14,7 марта кўпайди.

Умуман олганда, уруш йилларида Андижон вилояти фронт таъминоти учун зарур бўлган ҳарбий ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи етакчи худудлардан бири сифатида ривожланди.

Уруш бўлаётган жойлардан кўчириб келинган саноат корхоналари тез фурсатларда ишга туширилганлиги, саноат тармоқларининг кенгайиши, стратегик маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тез ўзлаштирилганлиги ва шу билан биргалликда ишлаб чиқариш суратларининг ўсиб бориши ўша даврга хос хусусиятларни ташкил этади.

Шунингдек, андижонликларнинг саноатнинг барча тармоқларида фидокорона меҳнат қилганликларини туну кун меҳнат қиладиган бригадаларнинг уруш бошланишида 150 тадан тугашига қадар 300 тага ўсганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари енгил саноат, маҳаллий касаначилик ва ҳунармандчилик воситасида вилоят аҳолиси 1942 йилда фронтга 72 500 та иссик кийим, 9 500 телегрейка, 3 400 та пийма, 4 400 та пахтали шим, 11,5 мингта пайпок, 5 400 та нимча, 8 900 та кўрпа ва 6000 жуфт қўлқоп юборган²².

²¹ Андижон фашизм босқинига қарши кураш йилларида (1941 – 1945) (ҳужжатлар ва материаллар). Водийнома. 2019 йил. № 1(12). 30–55–бетлар.

²² Зиёев Ҳ. Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида / Ҳ., Зиёев; Ўзбекистон ФА тарих ин-ти – Т. : "Muharrir" nashriyoti. 2011.– 39–бет.



Бугунги кунда иккинчи жаҳон уруши даврида Андижон вилоятининг саноатлашуви ва ғалаба қўшган ҳиссаси билан боғлиқ қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса, архив ва бошқа маълумотлар ўрганилмай қолган жиҳатлари кўплигини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида янги тадқиқотларнинг долзарб мавзуларини ташкил этиши табиийдир.

фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 09.05.2020 (06.03.2023). <https://president.uz/uz/lists/view/3564>.
2. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда 300 та саноат корхонаси фақат ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарган. <https://yuz.uz/news/ikkinchi-jahon-urushi-yillarida-ozbekistonda-300-ta-sanoat-korxonasi-faqat-harbiy-mahsulot-ishlab-chiqargan>. 08.05.2020 (06.03.2023).
3. Бобожонов Х. Фронт ортида: Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон аҳолисининг озиқ-овқат таъминоти. <https://www.uzanalytics.com/tarix/7277/>. 23.04.2020 (06.03.2023).
4. Андижон фашизм босқинига қарши кураш йилларида(1941 - 1945) (ҳужжатлар ва материаллар). Водийнома. 2019 йил. № 1(12). 30-55-бетлар.
5. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида / Ҳ., Зиёев; Ўзбекистон ФА тарих ин-ти - Т. : "Muharrir" nashriyoti. 2011.- 39-бет.